

ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ВЕНТРАЛ ЧУРРАЛАРДА ГЕРНИОПЛАСТИКА УСУЛИНИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАНЛАШ АЛГОРИТМИ

Юлдашов Парда Арзикулович

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Долзарблиги. Операциядан кейинги вентрал чурраларни жарроҳлик даволашда пластика усулини танлаш кўпинча эмпирик тарзда амалга оширилади, бу асоратлар ва рецидив хавфини оширади. Чурра ўлчами, беморнинг операцион хавфи ва қорин ичи босими даражасини биргаликда ҳисобга олувчи объектив, миқдорий танлов алгоритмини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Материал ва усуллар. 109 нафар бемор натижалари асосида герниопластика усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилди. Алгоритм операцион хавфнинг балл бўйича баҳоси, чурраларни ЕНС таснифи, компьютер герниоабдоминометрияси ва Ю.М. Гаин бўйича қорин ичи босими даражасини ҳисобга олади. Рецидив хавф омилларини миқдорий баҳолаш ва усулни танлаш учун компьютер дастури яратилди (ЭХМ учун дастур гувоҳномаси DGU 03724).

Натижалар ва муҳокама. Кўп омилли таҳлил рецидив ва асоратларнинг мустақил хавф омилларини аниқлаш имконини берди. Ишлаб чиқилган дастур жарроҳга беморни операциягача объектив баҳолаш ва даволаш тактикасини индивидуал танлаш имконини берди. Алгоритмга



асосланган дифференциал ёндашув пластика усулини чурра ва бемор хусусиятларига мослаштириш, шу орқали операциядан кейинги асоратлар ва рецидив частотасини камайтириш имконини берди.

Хулоса. Операцион хавф, EHS таснифи, компьютер герниоабдоминометрияси ва қорин ичи босимини ҳисобга олувчи дифференциал танлаш алгоритми операциядан кейинги вентрал чурраларда герниопластика усулини объектив ва индивидуал танлашни таъминлайди ҳамда даволаш натижаларини яхшилайти.